



Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Шодмулк Хотун Самарканд шахрининг куйи табакасига мансуб хунарманд оиласида дунёга келади. Амир Темурнинг суюкли набираси Халил Султон Мирзо (Мироншоҳ Мирзонинг ўгли, 1366—1408) кунлардан бир кун шаҳар четидаги бог кўчадан отда ўтиб кетаётиб, Шодмулкка кўзи тушади ва уни севиб қолади. Халил Султон Мирзо (1384—1411) жасоратли, харбий салоҳиятли ва истеъдодли йигит бўлган. Балогатга етгач, уни аслзода хонадон кизига уйлантиришган. Ундан бир ўгли ҳам бор эди. Аммо Шодмулкни севиб қолгач, ўз замонасининг таомилига қарши ўларок, шу кизга уйланади. Табиийки, бундай «тенгсиз» никоҳга Темур бошлиқ бутун авлод қарши туришган. Бирок Халил Султон Мирзонинг қатъий қарори қолиб чиқади. Амир Темур аввалида қаттиқ қазабланган бўлса-да, кейинчалик набирасига бўлган юксак эътиқоди туфайли унинг гуноҳини кечиради.

Амир Темур вафотидан сўнг, 1405 йил март ойида Халил Султон Мирзо Самарканд тахтига ўтиради. У салтанатни бошқаришда адолатни бош мезон қилиб, мамлакат ички ва ташқи аҳолини яхшилаш чораларини излайди. Лекин хотини Шодмулк бегимнинг салтанат ишларига фаол аралашуви натижаси ўларок, арқони давлат орасида айрим норозиликларнинг қелиб чиқишига сабаб бўлади. Шодмулк бегим Темурнинг барча бева хотинлари-ю ҳос қанизақларини харбий бошлиқлар ва амалдорларга инъом қилиш ҳақида Халил Султон Мирзога маслаҳат бериб, уни кўндиради. Жумладан, 1406 йилда Темурнинг бева хотини Туман Ого бегимни амир Шайх Нуриддинга хотинликка беради. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Сарой Мулк хоним билан Туқал хонимларни Шодмулк бегимнинг махфий буйруғига биноан қаҳарлаб ўлдирганлар. Темур давридаги бек ва амалдорларга етарли илтифот ҳам кўрсатилмайди. Ҳазина ва салтанат ишларида Шодмулк бегимнинг фаолияти баттар қучаяди. Шодмулк бегимнинг хоҳиш-иродаси ила куйи табакага мансуб кишилар юқори лавозимларга кўтарилади. Темур сафдошларига қарама-қарши ўларок, Шодмулк бегимнинг хоҳишига мувофиқ, қандайдир Бобо Турмуш деган қимса тўла ҳуқуқли вазирлик мансабини эгаллайди. Аввалги амалдорлардан Оллоҳдод ва Аргуншоҳларга ҳам ҳеч қандай рағбат бўлмайди.

Арқони давлат ўртасида вужудга келган бундай нобаробарлик салтанат пойдеворига раҳна солиши муқаррар эди. Зотан, ана шундай қулай вазият Шохрух Мирзо учун асқотди. 1409 йил баҳорида Шохрух Мирзо кўшини Бодхез мавзеига қелиб тўхтади. Халил Султон Мирзонинг кўшини эса Шаҳрисабзда жангга тайёр ҳолда турарди. Шу аснода шимолда амир Худайдод бошчилигида кўзғолон кўтарилгани ҳақида хабар келади. Халил Султон Мирзо асосий кўшинни Шаҳрисабзда қолдириб, 4000 аскар билан

амир Худайдодга карши боришга мажбур бўлади. 1409 йил 30 март куни Халил Султон Мирзо амир Худайдод томонидан асирга олиниб, Самаркандга келтирилади ва кейинчалик Фаргонага олиб кетилади. Унинг хотини Шодмулк бегимни эса Шохрух Мирзога топширадилар. Айрим маълумотларга караганда, Шохрух Мирзо Шодмулк бегимни тахкирлаб, кўп азоб-укубатларга дучор қилади. Нихоят, Халил Султон Мирзони Фаргонадан Ўтрорга келтириб, амир Шайх Нуриддин воситачилигида Шохрух Мирзо билан Халил Султон Мирзо ўртасида битим тузилади. Битимга мувофик, Халил Султон Мирзо Мовароуннахр хукмронлигидан воз кечади. Бунинг эвазига Рай вилоятининг хокими этиб тайинланади. Хотини Шодмулк бегим кайтариб берилади. Кўп ўтмай, 1411 йил 4 ноябр чоршанба куни Халил Султон Мирзо Рай шаҳрида бетоб бўлиб, вафот этади. Айрим маълумотларга караганда, у захарланиб ўлади. Шундан сўнг 1411 йилнинг охирида эридан кейин яшашни истамаган Шодмулк бегим захар ичиб оламдан ўтади.